**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисобларнинг замонавий тизимини жорий этиш тўғрисида” 2019 йил 19 августдаги 691-сон қарорининг ижросини таъминлаш бўйича назорат режаси ижроси**

*(2024 йил 6 январь ҳолатига)*

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 1. Қуйидагилар:<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 31 июлдаги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ “Миллий ҳисоблар тизими – 2008” қўлланмаси асосида макроиқтисодий ҳисоб-китоблар методологиясини такомиллаштириш бўйича изчил ишлар олиб борилаётганлиги;<br>республикада макроиқтисодий статистиканинг халқаро стандартларини жорий этиш ва миллий ҳисоблар статистикасини такомиллаштиришда техник ва маслаҳат ёрдамини кўрсатиш масалалари бўйича Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси ва МДҲ Статистика қўмитаси билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин. | Маълумот ва ижро учун қабул қилиш | Доимий равишда | Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси | **Бажарилган.**<br>**Маълумот ва ижро учун қабул қилинди.**<br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисобларнинг замонавий тизимини жорий этиш тўғрисида” 2019 йил 19 августдаги 691-сон қарорининг ижросини таъминлаш бўйича назорат режаси ишлаб чиқилди ва Давлат статистика қўмитасининг 26.08.2019 йилдаги 92-сонли буйруғи билан тасдиқланди. |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| 2 | 2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банкнинг макроиқтисодий кўрсаткичлар қамровининг тўлиқлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотни якуний истеъмол усулида ҳисоблаш методология-сини такомиллаштиришни назарда тутувчи миллий ҳисоблар замонавий тизимини 2020 йил 1 январдан бошлаб босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин. | Маълумот ва ижро учун қабул қилиш | Доимий равишда | Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси | **Бажарилган.**<br>**Маълумот ва ижро учун қабул қилинди.** |
| 3 | 1. 2017 йил маълумотлари бўйича методик ёндашувлардаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда ялпи ички маҳсулот (кейинги ўринларда ЯИМ деб аталади) ретроспектив динамик қаторларини ишлаб чиқариш ва якуний истеъмол усулларида қайта ҳисоблаш ишларини якунлаш:<br>йиллик маълумотлар – 2010-2016 йиллар учун;<br>чораклик маълумотлар – 2016-2018 йиллар учун. | 1. Қайта ҳисоблаш ишларини амалга ошириш ва макроиқтисодий кўрсаткичлардаги ўзгаришлар бўйича қиёсий ва таҳлилий жадвалларни тайёрлаш. | 2019 йил сентябрь | Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси, Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бошқармаси | **Бажарилган.**<br>**Давлат статистика қўмитаси:**<br>Маълумотлар қамровининг тўлиқ-лигини таъминлаш ва сифатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти кўрсаткичи 2010-2016 йиллар учун йиллик даврийликда, 2016-2018 йиллар учун чораклик даврийликда ишлаб чиқариш ва якуний истеъмол усулларида қайта ҳисоблаб чиқилди. Мазкур қайта ҳисоблаш ишларида қишлоқ хўжалиги, саноат тармоғи, хизматлар соҳасининг қўшилган қиймати, маҳсулотларга соф солиқлар, уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатлари, асосий капиталнинг ялпи |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | жамғарилиши, моддий айланма воситалар захираларининг ўзгариши кўрсаткичлари қамраб олинди. Қайта ҳисобланган тармоқлар бўйича жорий нархлардаги ҳажм, ўсиш суръатлари, дефлятор индекси кўрсаткичлари динамик қаторлар кўринишида шакллантирилди ҳамда уларнинг ЯИМ ҳажми, таркиби ва ўсиш суръатларига таъсири бўйича таҳлилий жадваллар тайёрланди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) кўрсаткичи 2010-2016 йиллар учун йиллик даврийликда, 2016-2018 йиллар учун чораклик даврийликда ишлаб чиқариш усулида қайта ҳисоблаб чиқилди ва улар бўйича таҳлилий жадваллар шакллантирилди.<br>Маълумотлар қамровининг тўлиқлигини таъминлаш ва сифатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари ва институционал секторлар бўйича 2015-2017 йиллар учун ишлаб чиқариш ҳисоби, даромадларнинг шаклланиши ҳисоби, бирламчи даромадларнинг тақсимланиши ҳисоби, даромадларнинг иккиламчи тақсимланиши ҳисоби, даромадлардан фойдаланиш ҳисоби, капитал билан |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | операциялар ҳисоблари қайта ҳисоблаб чиқилди. Қайта ҳисоблаш натижалари асосида таҳлилий жадваллар тайёрланди. |
| | | 2. Халқаро валюта жамғармасининг (кейинги ўринларда ХВЖ деб аталади) кенгайтирилган Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими (кейинги ўринларда к-МТУТ деб аталади) доирасида Ўзбекистоннинг Йиғма маълумотлар миллий саҳифасидаги “Миллий ҳисоблар” бўлими маълумотларини янгилаш. | 2019 йил сентябрь | Ахборотларни тарқатиш, халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашув бошқармаси, Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси | **Бажарилган.**<br>**Давлат статистика қўмитаси:**<br>Ишлаб чиқариш ва якуний истеъмол усулларида ЯИМни қайта ҳисоблаб чиқиш натижасида олинган маълумотлар динамик қаторлар кўринишида ХВЖнинг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатиш умумий тизими (к-МТУТ) доирасида Ўзбекистоннинг йиғма маълумотлар миллий саҳифасига (www.nsdp.stat.uz) жойлаштирилди.<br>Ушбу маълумотлар чораклик ҳамда йиллик даврийликда мунтазам равишда янгилаб борилмоқда. |
| | | 3. Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти орқали статистик ахборотлардан фойдаланувчиларни макроиқтисодий кўрсаткичларга киритилган ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилиш. | 2019 йил сентябрь | Ахборот хизмати, Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси | **Бажарилган.**<br>**Давлат статистика қўмитаси:**<br>Қайта ҳисоблаб чиқилган маълумотлар ва мазкур қайта ҳисоблашлар мақсади ва натижаларини фойдаланувчиларга батафсил тушунтириб бериш мақсадида тайёрланган ахборот хабари Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайтига (www.stat.uz) жойлаштирилди. |
| 4 | 2. Миллий ҳисоблар тизими | 1. 2020 йил учун | 2019 йил | Макроиқтисодий | **Бажарилган.** |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | (кейинги ўринларда МҲТ, деб аталади) талабларидан келиб чиққан ҳолда давлат статистика кузатувлари шаклларини ва уй хўжаликлари кузатувлари сўровномаларини такомиллаштириш. | давлат статистика кузатувлари шаклларига ва уй хўжаликлари кузатувлари сўровномаларига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | сентябрь | индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси, Аҳоли турмуш даражаси ва кузатувлари статистикаси бошқармаси, Статистика ишларини ташкил этиш ва методология бошқармаси | **Давлат статистика қўмитаси:**<br>Миллий ҳисоблар тизими талабларидан келиб чиққан ҳолда 2020 йил учун 13 та давлат статистика кузатувлари шаклларига ва 2 та уй хўжаликлари кузатувлари сўровномаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.<br>Жумладан:<br>- молиявий воситачилик хизматлари ҳисобини МҲТ-2008 талаблари асосида шакллантириш;<br>- МҲТ-2008 халқаро стандартида келтирилган номолиявий активлар таснифига мувофиқ зарур кўрсаткичлар манбасини таъминлаш;<br>- Халқаро таққослаш дастурининг навбатдаги раундида иштирок этиш учун кўрсаткичлар қамрови тўлиқлигини таъминлаш;<br>- товар моддий захиралари ва холдинг фойдаси ҳисобини такомиллаштириш;<br>- уй хўжаликлари кузатуви маълумотлари сифатини ошириш;<br>- даромадларни шаклланиши ҳисобини такомиллаштириш учун зарур кўрсаткичлар манбасини таъминлаш;<br>- ташилган юклар нархлари ва уларнинг ўзгариши тўғрисидаги маълумотларнинг мувофиқлигини |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | таъминлаш йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. |
| | | 2. 2020 йил учун Давлат статистика ишлари дастури лойиҳасига киритиш учун бошқа вазирликлар ва идоралар томонидан бажариладиган статистика ишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | 2019 йил сентябрь-ноябрь | Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси, Статистика ишларини ташкил этиш ва методология бошқармаси | **Бажарилган.**<br>**Давлат статистика қўмитаси:**<br>2020 йил учун Давлат статистика ишлари дастури лойиҳасига киритиш учун бошқа вазирликлар ва идоралар томонидан бажариладиган статистика ишлари бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:<br>*Молия вазирлигидан олинадиган маълумотлар бўйича:*<br>- Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари даромадлари ва харажатлари таснифининг кодлари бўйича консолидациялашган бюджет бўйича;<br>- ижтимоий ҳимоя учун Давлат бюджети харажатлари ва ижтимоий нафақалар бўйича;<br>- таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя учун давлат харажатларининг умумий давлат харажатларидаги улуши тўғрисида;<br>- аҳоли жон бошига маданиятни ривожлантириш учун давлат харажатлари тўғрисида;<br>- ҳукуматнинг бирламчи харажатлари-нинг дастлабки қабул қилинган бюджет харажатларига нисбати тўғрисидаги маълумотлар, секторлар кесимида (бюджет таснифи |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | коди ёки шунга ўхшаш тоифалар бўйича);<br>- давлатнинг ялпи даромадлари тўғрисида шаклланиш манбалари бўйича;<br>- ички солиқлар ҳисобидан молиялаштириладиган республика бюджетининг улуши тўғрисида маълумотлар.<br>*Марказий банкдан олинадиган маълумотлар бўйича:*<br>- жисмоний шахсларнинг омонатлари бўйича;<br>- кредит ташкилотлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бўйича;<br>- пул базаси ва пул агрегатлари бўйича;<br>- миллий валютанинг Россия рубли, АҚШ доллари ва еврога нисбатан курслари бўйича;<br>- пул ўтказмалари ҳажми тўғрисида.<br>*Давлат божхона қўмитасидан олинадиган маълумотлар бўйича:*<br>- товарлар ташқи савдоси маълумотлари базаси бўйича аниқлаштирилган маълумотларни олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.<br>**Марказий банк:**<br>2020 йил учун Давлат статистика ишлари дастури лойиҳаси бўйича Марказий банк таклифлари 2019 йил 23 |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | октябрдаги 11-10/398-сонли хат билан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига юборилган. |
| 5 | 3. ЯИМнинг чораклик ҳисоб-китобларини ишлаб чиқариш усули билан ёйиб бериш. | 1. Чораклик ЯИМни иқтисодий фаолият турлари бўйича батафсил тақсимлаш учун ахборот манбаларини таҳлил қилиш. | 2019 йил сентябрь | Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси | **Бажарилган.** **Давлат статистика қўмитаси:** ЯИМнинг чораклик ҳисоб-китобларини ишлаб чиқариш усулида иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичининг (2-таҳ.) барча секциялари бўйича шакллантириш учун зарурий ахборот манбалари: давлат статистика кузатувлари шакллари маълумотлари; административ маълумотлар манбалари ўрганилиб чиқилди ва таҳлил қилинди. |
| | | 2. Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичининг (2-таҳ.) (кейинги ўринларда ИФУТ-2 деб аталади) барча секциялари бўйича чораклик ЯИМнинг экспериментал ҳисоб-китобларини амалга ошириш. | 2019 йил декабрь | Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси | **Бажарилган.** 2019 йил январь-март, январь-июнь ва январь-сентябрь ҳолатлари учун чораклик ЯИМ ҳисоб-китоблари иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичининг барча секциялари бўйича амалга оширилди. |
| | | 3. ИФУТ-2 таснифлагичининг барча секциялари бўйича чораклик ЯИМни эълон қилиш. | 2020 йил июнь | Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси | **Бажарилган.** 2020 йил январь-март ҳолатига чораклик ЯИМ ҳисоб-китоблари иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ-2)нинг барча секциялари бўйича амалга оширилди |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ҳамда ушбу маълумотлар динамик қаторлар кўринишида шакллантирилиб, Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайтида мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда. |
| 6 | 4. ЯИМни якуний истеъмол усулида ҳисоблашда қўлланиладиган халқаро статистик таснифларни жорий этиш. | 1. “Давлат бошқаруви органлари функцияларининг таснифи”ни (кейинги ўринларда ДБОФТ деб аталади) ЯИМни якуний истеъмол усули бўйича ҳисоблаш амалиётига мослаштириш. | 2019 йил ноябрь-декабрь | Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси | **Бажарилган.**<br>**Давлат статистика қўмитаси:**<br>ЯИМни якуний истеъмол усули бўйича ҳисоблаш амалиётида ДБОФТга кўра тажриба асосида давлат бошқаруви органлари хусусий ва жамоавий истеъмоли харажатларини 10 та йирик ва 70 дан ортиқ кичик гуруҳларга ажратган ҳолда шакллантириш ишлари амалга оширилди.<br>**Молия вазирлиги:**<br>Халқаро ташкилотларни фаол жалб этиш орқали республикада макроиқтисодий статистикани янада такомиллаштириш масалаларида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари томонидан 2019 йил 12 августда Халқаро валюта жамғармаси Статистика Департаменти директори Луис Марко Духарме номига 2019/2020 молия йилида Ўзбекистонда Давлат молия статистикасини яхшилаш бўйича миссия ва Молия вазирлиги ходимлари малакаларини ошириш мақсадида семинар ташкил этилиши сўраб хат йўлланди. |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 2019 йилда Халқаро валюта жамғармасининг техник кўмаги доирасида “Давлат бошқаруви органлари функцияларининг таснифи”ни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича ишлар олиб борилди. Ушбу ишлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 25 ноябрдаги “Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 108-сонли буйруғини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2019 йил 27 ноябрдаги 03/03-06-02-32/726-сонли хат билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни белгиланган тартибда ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун юборилди. |
| | | 2. Уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатлари таснифини “Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифи”га (кейинги ўринларда МИИТ деб аталади) мувофиқ такомиллаштириш. | 2019 йил ноябрь-декабрь | Статистика ишларини ташкил этиш ва методология бошқармаси, Аҳоли турмуш даражаси ва кузатувлари статистикаси бошқармаси, Нархлар статистикаси бошқармаси, Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар | **Бажарилган.** “Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифи”да келтирилган товар ва хизматлар рўйхати масъул бошқармалар томонидан ўрганиб чиқилиб тегишли таклифлар берилди. Мазкур таклифлар асосида такомиллаштирилган уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатлари таснифини халқаро стандартлар асосида шакллантириш имконини берувчи “Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифи” |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | бошқармаси | таснифлагичи 2019 йилнинг 24 декабрида Давлат статистика қўмитасининг 131-сонли буйруғи билан тасдиқланди. 2018 йил маълумотлари асосида уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатлари ушбу таснифлагич (ўтказгич) бўйича тажриба асосида шакллантирилди ва Нархлар статистикаси бошқармасига фойдаланиш учун тақдим этилди.<br>Нархлар статистикаси бошқармаси томонидан янги таснифлагич асосида тақдим этилган рўйхатдан мамлакатда истеъмол нархлари индекси кузатувлари амалга оширилувчи товарлар ва хизматлар тўплами қайта кўриб чиқилиб, истеъмол саватидаги товарлар ва хизматлар сони 510 тагача кенгайтирилди.<br>Уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатлари таҳлилини такомиллаштириш мақсадида улгуржи ва чакана савдо товарлари номенклатурасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ҳамда 2019 йилнинг 13 декабрида Давлат статистика қўмитасининг 129-сонли буйруғи билан тасдиқланди. |
| 7 | 5. Якуний истеъмол усули бўйича ЯИМнинг батафсиллаштирилган ҳисоб- | Уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатлари ҳисоб-китобларини МИИТга | 2020 йил март | Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси, Аҳоли | **Бажарилган.**<br>2020 йил январь ойидан бошлаб кузатилаётган уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари МИИТ |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | китобларини амалга ошириш. | асосан амалга ошириш. | | турмуш даражаси ва кузатувлари статистикаси бошқармаси | классификатори бўйича кодлаштириб келинмоқда.<br>2017-2018 йиллар учун ЯИМни якуний истеъмол усули бўйича ҳисоб-китобларида уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатлари МИИТга кўра 12 та йирик ва 130 дан ортиқ кичик гуруҳларга ажратган ҳолда шакллантирилди. |
| | | Давлат бошқаруви органларининг якуний истеъмол харажатлари ҳисоб-китобларини ДБОФТга асосан амалга ошириш. | 2020 йил март | Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси | **Бажарилган.**<br>2017-2018 йиллар учун ЯИМни якуний истеъмол усули бўйича ҳисоб-китобларида давлат бошқаруви органлари харажатлари ДБОФТга кўра асосида шакллантирилди. |
| | | Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши ҳисоб-китобларини номолиявий активлар таснифига асосан амалга ошириш. | 2020 йил ноябрь | Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси, Инвестициялар ва қурилиш статистикаси бошқармаси | **Бажарилган.**<br>Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши ҳисоб-китоблари номолиявий активлар таснифига асосан амалга оширилди. |
| 8 | 6. “Ресурслар ва фойдаланиш” жадвалларини тузиш амалиётини такомиллаштириш. | 1. Корхоналар ва ташкилотларнинг маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркибини кузатиш бўйича тайёргарлик ишларини амалга ошириш. | 2019 йил октябрь-декабрь | Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси, Қўмита марказий аппарати бошқармалари | **Бажарилган.**<br>Корхоналар ва ташкилотларнинг маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркибини кузатиш бўйича кузатув сўровномасининг лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ҳудудий статистика бошқармаларига кўриб чиқиб, таклиф ва мулоҳазалар бериш |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | учун юборилди. Шунингдек, бошқа давлатларнинг мазкур йўналишдаги сўровномалари ва халқаро тажрибалари ўрганиб чиқилди.<br>Маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг статистик таснифлагичи (МСТ) асосида тармоқларга хос харажатлар танлаб олинди ва сўровномалар лойиҳасига киритилди.<br>Корхоналар ва ташкилотларнинг маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркибини кузатиш бўйича ишлаб чиқилган кузатув сўровномасининг лойиҳаси юзасидан ҳудудий статистика бошқармаларининг таклиф ва мулоҳазалари олинди ҳамда улар ўрнатилган тартибда кўриб чиқилди. Шунингдек, кузатув ўтказиш тартиби лойиҳаси ишлаб чиқилди. |
| | | 2. Корхоналар ва ташкилотларнинг маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркибини кузатиш. | 2020 йил январь-июнь | Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси, Қўмита марказий аппарати бошқармалари | **Бажарилган.**<br>Давлат статистика қўмитаси томонидан 2020 йил 25 февралда “2020 йилда корхона ва ташкилотларнинг маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлари таркибининг танланма кузатувига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси” тасдиқланди.<br>Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 31 мартдаги 6-сонли қарори билан Корхона ва ташкилотлар |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга йўналтирилган харажатлар таркибининг бир марталик танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш Тартиби ҳамда кузатув сўровномалари тасдиқланди.<br>Корхоналар ва ташкилотларнинг маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркибининг кузатувини ташкил этиш мақсадида корхоналар рўйхати иқтисодий фаолият турлари бўйича шакллантирилди. Шунингдек, корхоналар томонидан тақдим этиладиган ҳисобот кўрсаткичларининг мантиқийлигини таъминлаш учун мантиқий назорат ишлаб чиқилди. Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайтига кузатув ўтказилаётган корхоналар учун зарур бўладиган барча маълумотлар жойлаштирилди.<br>2020 йил 8 июнь куни кузатув ўтказиш бўйича ҳудудий статистика бошқармалари учун онлайн семинар ўтказилди.<br>Кузатув учун ишлаб чиқилган дастурий таъминот синовдан ўтказилди ва камчиликларни бартараф қилиш бўйича ишлар олиб борилди.<br>Кузатув давомида корхоналарга сўровномаларни тўлдириш бўйича маслаҳатлар берилди. |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Кузатув давомида 23 турдаги сўровномалар орқали жами 31229 та корхоналар қамраб олинди.<br>Кузатув натижаларидан 2019 йил учун Ресурслар ва ишлатилиш жадвалларини шакллантиришда фойдаланиш режалаштирилган. |
| 9 | 7. Макроиқтисодий статистикани шакллантирувчилар ўртасида маълумотлар алмашинуви жараёнларини кенгайтириш. | Макроиқтисодий статистикани шакллантирувчи вазирликлар ва идоралар масъул мутахассисларининг маслаҳатлашув учрашувларини мунтазам ўтказиб бориш ва иқтисодий статистикани, жумладан, миллий ҳисоблар ва нархлар статистикасини тузиш учун ахборот ресурсларини шакллантириш масалалари бўйича идоралараро ҳамкорликни чуқурлаштириш. | Доимий равишда | Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси, Нархлар статистикаси бошқармаси | **Бажарилган.**<br>**Давлат статистика қўмитаси:**<br>“МҲТ-2008” халқаро стандартини жорий этиш мақсадида Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг кўп йиллик иш тажрибасига эга масъул мутахассисларини жалб қилган ҳолда “Миллий ҳисоблар замонавий тизимини статистика амалиётига жорий этиш масалалари бўйича идоралараро ишчи гуруҳи” шакллантирилди (Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 15 февралдаги 3-сон қарори). Ҳозирги кунда мазкур ишчи гуруҳи доирасида услубий ва ахборот алмашиш масалалари юзасидан мунтазам ҳамкорлик амалга оширилмоқда.<br>2019 йилнинг 6 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ўтказилган “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ривожланиши прогнозларини тайёрлаш” мавзусида ўтказилган семинарга |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | иштирок этилди ва соҳага оид масалалар бўйича муҳокамалар ўтказилди.<br>Марказий банк масъул мутахассислари билан тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режасига асосан даромадлар ва харажатларнинг кенгайтирилган маълумотларни олиш бўйича келишувга эришилди.<br>Молия вазирлигининг масъул мутахассислари билан келишган ҳолда, Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини ДБОФТ бўйича тўлиқ кесимда олиш йўлга қўйилди.<br>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси ўртасида “Рақамли иқтисодиётни ривожланиш ҳолати тўғрисида статистик маълумотларни тўплаш ва шакллантиришда ягона ёндашув ва методологияни ишлаб чиқиш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси” ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.<br>Ахборот технологиялари бўйича йиғма кўрсаткичларни шакллантириш ва унинг таркибига АКТ сектори билан биргаликда, контент ва медиа ҳамда электрон савдо фаолиятларини ҳам қамраб олиш мақсадида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ривожлантириш вазирлиги (07.10.2020 йил 21/13-сон) ва Давлат статистика қўмитасининг (07.10.2020 йил 3-ққ-сон) “Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат йиғма кўрсаткичлар тизимини жорий этиш тўғрисида” қўшма қарори имзоланди.<br>Қўшма қарор билан вазирлик ва қўмитанинг малакали мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ шакллантирилди, шунингдек, соҳага оид кўрсаткичларни шакллантириш ва эълон қилишда ягона ёндашув ва методологияни таъминлаш мақсадида “Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат” йиғма кўрсаткичлари таркибига кирувчи фаолият турларининг кенгайтирилган рўйхати тасдиқланди.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон қарорининг 2-иловаси билан тасдиқланган 2020-2025 йилларда статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси йўналишлари бўйича тегишли чора-тадбирларнинг бажарилиши учун масъул бўлган манфаатдор вазирлик ва идоралардан ташкил топган тармоқ ишчи |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | гуруҳларини шакллантириш бўйича Статистика кенгаши баёни лойиҳаси тайёрланиб, вазирлик ва идорлар билан келишилди ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилди (27.08.2020 йил № 01/1-06-11/1-191).<br>Натижада Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Статистика кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди ва баёни тасдиқланди (Вазирлар Маҳкамаси, 2020 йил 2 сентябрь № 02-02/1-1721).<br>Муҳокамада 4 та йўналишда (Макроиқтисодий статистикани ривожлантириш, Тадбиркорликка оид статистикани ривожлантириш, Ижтимоий статистикани ривожлантириш ва Статистикани тайёрлаш жараёнларига илғор ахборот коммуникацияларини жорий қилиш) тармоқ ишчи гуруҳлари тузилди. Шунингдек, улар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар баён қарорида алоҳида белгилаб берилди.<br>Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда “Истеъмол нархлари индекси маълумотларини шакллантиришда онлайн касса тизимларига босқичма-босқич |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | интеграциялаш” ишларини амалга ошириш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси билан келишган ҳолда товарлар ва хизматлар нархларини кузатиш бўйича ўзаро маълумот алмашишнинг технологик йўриқномаси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, истеъмолдаги товарлар ва хизматларнинг ўртача нархлари тўғрисидаги маълумотлар аниқлигини таъминлашда фойдаланиш учун онлайн назорат-касса ва виртуал касса тизимлари орқали маълумотларнинг тизимли равишда олинишини йўлга қўйиш тартиби белгиланган. Жумладан, статистик ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун талаб этиладиган товарлар ва хизматлар рўйхати, уларнинг батафсил тавсифлари бўйича маълумотлар солиқ қўмитасига тақдим этилган.<br>**Марказий банк:**<br>2019 йилнинг 17 июль – 2 август кунлари Халқаро валюта жамғармасининг пул-кредит ва молия статистикаси бўйича миссияси Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрди.<br>Ташриф давомида ушбу масала юзасидан манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Ўтказилган учрашувлар якуни бўйича миссия томонидан пул-кредит ва молия статистикаси ҳамда давлат молияси статистикасини сифатли шакллантириш бўйича Марказий банк ва Молия вазирлиги ўртасида ҳамкорлик ўрнатилди. Бугунги кунда бу борада тегишли ҳамкорлик ишлари амалга оширилмоқда.<br>**Молия вазирлиги:**<br>2020 йил 9 мартда Давлат молияси статистикасини сифатли шакллантириш, тезкор маълумотлар алмашиш каналларини йўлга қўйиш, Миллий ҳисоблар тизими ва халқаро статистика ҳисоботлари билан интеграциялаш бўйича ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Молия вазирлиги, Марказий банк ва Давлат статистикаси қўмитаси ўртасида меморандум тасдиқланди. |
| 10 | 8. Иқтисодий статистикани, жумладан, миллий ҳисоблар ва нархлар статистикасини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан маслаҳат ва техник кўмак кўрсатилиши бўйича халқаро ташкилотларни кенг жалб этиш. | 1. Халқаро ташкилотлар экспертларини жалб этиш масалаларини ишлаб чиқиш. | Халқаро ташкилотлар билан келишган ҳолда | Ахборотларни тарқатиш, халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашув бошқармаси | **Бажарилган.**<br>Давлат статистика қўмитаси томонидан бир қатор халқаро ташкилотлар, жумладан **Халқаро валюта жамғармаси** билан – йиллик ва чораклик миллий ҳисобларни такомиллаштириш, “МҲТ-2008”ни жорий этиш юзасидан, **Осиё тараққиёт банки** билан “Ресурслар ва ишлатилиш” жадвалларини тузишни такомиллаштиш юзасидан, шунингдек, **МДҲ Давлатлараро статистика қўмитаси** |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | билан Халқаро таққослашлар дастурида иштирок этиш юзасидан маслаҳат ва техник кўмак кўрсатилиши бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилган.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг Статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4273-сон қарорининг 4-иловасида алоҳида таркибий индикаторлар бўйича Статистика салоҳияти индексида мамлакатнинг ўрнини яхшилашга оид “Йўл харитаси” ва 5-иловасида Жаҳон банкининг Статистика салоҳияти индекси бўйича йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси рейтингини яхшилашнинг мақсадли кўрсаткичлари ҳамда масъул вазирлик ва идоралар тасдиқланган.<br>Ўзбекистон Республикасини ХВЖнинг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатиш умумий тизимидан (к-МТУТ) Маълумотларни тарқатиш махсус стандарти (МТМС)га ўтиши юзасидан 2019-2020 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, 20.03.2019 йилдаги 01/1-06-11/1-76-сонли хат билан Вазирлар Маҳкамасига киритилди ва белгиланган |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | тартибда тасдиқланди (02.04.2019й., 02/1-1701-сон).<br>2019 йил июль ойида ХВЖнинг Молия вазирлигида “Давлат молияси статистикаси сифатини ошириш” ва Марказий банкда “Пул-кредит ва молия статистикаси” масалаларида **техник кўмак миссиялари ташкил этилди.**<br>МТМСга ўтиш юзасидан Ўзбекистон Республикасига **техник кўмак миссиясини ташкил этиш** юзасидан ХВЖга алоқа хати юборилди. (15.08.2019й., 01/1-06-12/5-237-сон).<br>Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 19 ноябрдаги 01/1-06-12/5-332-сонли хати билан Ўзбекистоннинг МТМСга ўтиши юзасидан Ўзбекистон Республикасига техник кўмак кўрсатиш бўйича мурожаати юборилди. Мазкур мурожаатга жавобан ХВЖ томонидан “Ўзбекистоннинг МТМСга ўтиши бўйича йўл харитаси” ишлаб чиқилаётганлиги ва ушбу йўл харитаси ишлаб чиқилгандан сўнг (2020 йилнинг март ойига қадар якунланади) ХВЖ томонидан белгиланган тартибда келгусидаги тадбирлар келишилиши маълум қилинган жавоб хати олинди. |
| | | 2. Иқтисодий статистикани, жумладан, миллий ҳисоблар ва нархлар статистикасини | Халқаро ташкилотлар билан келишган | Ахборотларни тарқатиш, халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашув бошқармаси, | **Бажарилган.**<br>Статистика салоҳияти индексида Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш мақсадида 2019 йилнинг 19-25 апрель |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари бўйича техник кўмак миссияларини ташкил этиш. | ҳолда | Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси, Нархлар статистикаси бошқармаси, тармоқ бошқармалари | кунлари Ўзбекистонда бўлган Жаҳон банки миссияси вакиллари билан учрашув ташкил этилди ва Статистика салоҳияти индексидаги Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш масалалари муҳокама этилди.<br>2019 йилнинг 15-25 июль кунлари Жаҳон банкининг статистика бўйича эксперти Мустафо Динч бошчилигида техник кўмак миссияси фаолият олиб борди. Ушбу миссия давомида Жаҳон банки эксперти ва Давлат статистика қўмитасининг тармоқ бошқармалари билан биргаликда статистик кўрсаткичлар сифатини бошқариш, Статистика салоҳияти индексида акс этмаган кўрсаткичларни жойлаштириш ҳамда Статистика салоҳияти индекси бўйича Ўзбекистоннинг ўрнини ошириш масалалари муҳокама қилинди.<br>2019 йилнинг 11-15 ноябрь кунлари “Статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси (2020-2025)”ни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистоннинг статистик салоҳиятини ошириш масалари бўйича Жаҳон банкининг техник кўмак миссияси ташкил этилди.<br>Осиё Тараққиёт Банкининг 2019 йил 22–29 январь кунлари ҳамда 21 октябрдан 1 ноябргача бўлган муддатларда Статистик бизнес регистрни такомиллаштириш ва замон |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | талаблари асосида ривожлантириш масалалари бўйича техник кўмак миссиялари жалб қилинди.<br>“Статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси (2020-2025)”нинг якуний лойиҳасини муҳокама қилиш мақсадида 2019 йил 9-13 декабрь кунлари Жаҳон банкининг техник миссияси Ўзбекистонга ташриф буюрди.<br>2019 йил 14-15 октябрь кунлари МДҲ Статистика қўмитаси ва Белоруссия Республика статистика хизмати экспертлар гуруҳи иштирокида Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро таққослаш дастури – 2017” доирасида экспериментал тарзда иштирок этиш бўйича йиғилиш бўлиб ўтди ва унда алоҳида товар ва хизматларнинг истеъмол нархларини рўйхатга олиш масаласи, ЯИМ дизагрегациясининг уй хўжаликлари ва давлат сектори бўйича масалалар муҳокама қилинди.<br>2020 йилнинг 3-14 февраль кунлари Давлат статистика қўмитасида Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ)нинг миллий ҳисоблар статистикаси бўйича техник кўмак миссияси ташкил этилди. Миссияга ХВЖ Статистика департаменти иқтисодчиси Леван Гогоберишвили бошчилик қилди. Миссия давомида “МҲТ-2008”нинг айрим қоидаларини статистика |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | амалиётига жорий этиш, чораклик миллий ҳисобларни такомиллаштириш, йиллик ресурслар ва ишлатилиш жадвалларини шакллантириш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.<br>2020 йилнинг 9 мартдан 20 мартигача Давлат статистика қўмитасида ОТБнинг Техник ёрдам ва билимларни ошириш бўйича миссияси бўлди. Ушбу миссия Ривожланиш учун маълумотлар (2-босқич) лойиҳаси доирасида ташкил этилган бўлиб, Давлат статистика қўмитасининг веб-сайти ва корхоналарнинг статистик регистри (КСР) тизимини ўрнатиш ва ишга тушириш масалаларинин қамраб олди.<br>Шунингдек, ушбу миссия давомида ОТБ мутахассислари томонидан ресурслар ва ишлатилиш жадвалларини (РИЖ) тузиш ва туризм ёрдамчи ҳисоблари маълумотларини баҳолаш бўйича тренинглар ўтказилди.<br>Давлат статистика қўмитаси ва Сербия статистика бошқармаси (СОРС) ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми доирасида жорий йилнинг 17 апрель куни масофавий тарзда видеоконференция ўтказилди. Видеоконференциядан кўзланган асосий мақсад - ўзаро тажриба алмашиш, соҳага доир илғор тажрибаларни ўрганиш ва |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | амалиётга жорий қилишдан иборат. Кун тартибига мувофиқ, иштирокчилар Сербия статистика бошқармасининг Европа иттифоқи ҳудудида илғор ва намунали, деб ҳисобланган ИСТ дастурий таъминоти ва маълумот базалари асосида қарорлар қабул қилишни қўллаб-кувватлаш тизими ҳамда бизнес регистрини йуритиш бўйича илғор тажриба билан танишдилар.<br>Шунингдек, видеоконференцияда Жаҳон банки эксперти Мустафо Динч ҳам иштирок етди ва “Статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси (2020-2025)”нинг якуний лойиҳаси бўйича фикрлар алмашилди ҳамда Стратегияни чоп этиш ишлари қандай амалга оширилаётганлиги муҳокама қилинди.<br>Халқаро валюта жамғармаси Статистика департаменти томонидан Нархлар статистикаси бошқармаси фаолиятини жаҳон стандартларига мувофиқ ташкил этиш бўйича техник кўмак кўрсатиш мақсадида 2020 йил 26 октябрдан 6 ноябрга қадар “Ишлаб чиқарувчилар нархлари статистикаси” фаолиятига оид Қурилиш, Транспорт хизматлари, Қишлоқ хўжалиги, Экспорт ва импорт нархлари статистикасига оид кўрсаткичларни шакллантириш бўйича |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | вебинар ўтказилди.<br>Шу билан бирга, 2020 йилнинг 9-18 декабрь кунлари ХВЖнинг Статистика Департаменти бош иқтисодчиси Браян Граф томонидан Истеъмол нархлари статистикасини такомиллаштириш борасида техник кўмак ҳамда услубий маслаҳат кўрсатиш бўйича миссияси бўлиб ўтди. Мазкур тадбир давомида Истеъмол нархлари статистикаси, хусусан, ҳисоб-китоблар ва индексларнинг шаклланиш жараёнлари бўйича фундаментал ва услубий асослар тўғрисида эксперт томонидан батафсил маълумотлар ҳамда амалий тавсиялар берилди. |
| 11 | 9. Миллий ҳисоблар тизимининг ЯИМ ҳажми, таркиби ва динамикасига таъсир қилувчи янги қоидаларини ҳисобга олган ҳолда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисоб-китобларини жорий этиш. | 1. МҲТнинг янги қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун маълумотлар манбаларини шакллантириш. | 2019 йил мобайнида | Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси, тармоқ бошқармалари | **Бажарилган.**<br>**Давлат статистика қўмитаси:**<br>МҲТнинг янги қоидаларини жорий этишда зарур бўладиган маълумотларни шакллантириш мақсадида 2020 йил учун давлат статистика кузатувлари шаклларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.<br>Марказий банкдан тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режасига асосан даромадлар ва харажатлар бўйича кенгайтирилган маълумотларни олиб, тижорат банкларининг молиявий хизматлари ва билвосита ҳисобланадиган молиявий воситачилик |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | хизматлари ҳисоб-китобларига жорий этилди.<br>Халқаро валюта жамғармаси эксперти тавсияларига кўра туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан тақдим этиладиган уй-жой фонди тўғрисидаги идоравий статистика ҳисоботи маълумотлари асосида турар жойларнинг бозор нархларидаги қийматлари ҳисоб-китоби амалга оширилди. |
| | | 2. Олиб борилган ишлар натижаларини муҳокама қилиш учун маслаҳат учрашувлари ва давра суҳбатларини ташкил этиш. | 2020 йил мобайнида | Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов),*<br>Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов),*<br>Марказий банк *(И.Норқулов),*<br>Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги *(Б.Хўжаев)* | **Бажарилган.**<br>**Молия вазирлиги:**<br>Молия вазирлиги, Марказий банк ва Давлат статистика қўмитаси ўртасида давлат молияси статистикасини сифатли шакллантириш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум доирасида ҳамда Ўзбекистоннинг Маълумотларни тарқатишнинг махсус тизимига ўтиши юзасидан 2020 йилнинг 13 октябрида Халқаро валюта жамғармаси Статистика департаментининг вакиллари билан ҳамкорликда онлайн маслаҳат учрашуви |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ташкил этилди.<br>Шунингдек, Молия вазирлиги, Марказий банк ҳамда Халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорликда 2020 йилнинг 30 ноябрида Монетар ва молиявий статистика, Халқаро инвестицион позиция ва Давлат молияси статистикаси масалаларига бағишланган онлайн учрашув ташкил этилди. |
| | | 3. Иқтисодиёт секторлари бўйича институционал бирликлар таснифлагичини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2020 йил мобайнида | Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов),*<br>Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов),*<br>Марказий банк *(И.Норқулов),*<br>Давлат активларини бошқариш агентлиги *(А.Хайдаров)* | **Бажарилган.**<br>“Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт секторлари бўйича институционал бирликлар таснифлагичи” ишлаб чиқилди ва Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 30 сентябрдаги 85-сонли буйруғи билан тасдиқланди. |
| 20 | 18. Бюджет ташкилотларининг барча бюджетдан ташқари жамғармаларини ва устав фонди (капитали)да давлат улуши бўлган нобозор ишлаб чиқарувчи юридик шахсларни давлат молияси статистикасининг ҳисобга олиш тизимига киритиш учун норматив-ҳуқуқий базасини яратиш. | 1. Давлат молияси статистикасининг ҳисобга олиш тизимига киритиладиган институционал бирликлар реестрини тузиш учун бюджетдан ташқари жамғармалар ва устав фонди (капитали)да давлат улуши бўлган нобозор ишлаб чиқарувчи | 2020 йил февраль | Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов),*<br>Давлат солиқ қўмитаси *(Б.Мусаев),*<br>Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги *(Б.Хўжаев)*<br>Давлат активларини бошқариш агентлиги *(А.Хайдаров),*<br>Давлат статистика қўмитаси | **Бажарилган.**<br>**Молия вазирлиги:**<br>Устав фонди (капитали)да давлат улуши бўлган нобозор ишлаб чиқарувчи юридик шахслар инвентаризация қилинди ҳамда рўйхати тузилди. |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | юридик шахсларни инвентаризация қилиш, аниқлаш ва рўйхатини тузиш. | | *(Б.Бегалов)* | |
| | | 2. Устав фонди (капитали)да давлат улуши бўлган юридик шахслар томонидан халқаро стандартларга мувофиқ давлат молияси статистикаси бўйича ҳисоботини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш. | 2019 йил октябрь | | **Бажарилган.**<br>**Молия вазирлиги:**<br>Устав фонди (капитали)да давлат улуши бўлган юридик шахслар томонидан халқаро стандартларга мувофиқ давлат молияси статистикаси бўйича ҳисоботини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш бўйича идоралараро қўшма қарор лойиҳаси ишлаб чиқилган ҳамда тегишли идоралар билан келишилган бўлиб, Адлия вазирлиги томонидан янги идоравий ҳужжатларга эълон қилинган мораторий сабабли мазкур қарор лойиҳасини рўйхатдан ўтказиш жорий йилнинг февраль-март ойларида амалга оширилади. |
| 21 | 19. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари, шунингдек, бюджетдан ташқари ҳисоб рақамлари (2019 йилнинг ҳисоботларидан бошлаб) ва нобозор бирликлар фаолиятини ҳисобга олган ҳолда давлат молияси статистикаси (кейинги ўринларда ДМС деб аталади) ҳисоботларида давлат бошқаруви сектори тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш. | 2020 йилдан бошлаб, давлат бошқаруви сектори статистика ҳисоботларини (даромадлар, харажатлар, активлар ва мажбуриятлар билан боғлиқ операциялар, шунингдек, давлат бошқаруви органлари функциялари бўйича | 2020 йил май | Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов)* | **Бажарилган.**<br>**Молия вазирлиги:**<br>2020 йил учун Давлат бюджети маълумотларини ДМСҚ-2014 стандартларига мувофиқлаштириш мақсадида Давлат дастурларини амалга ошириш учун ташқи қарз ҳисобига амалга оширилган харажатлар инобатга олинган ҳолда тасдиқланган.<br>2020 йилнинг 1-чорагидан бошлаб |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | харажатлар тўғрисидаги ҳисоботлар) Давлат молияси статистикаси қўлланмаси (кейинги ўринларда ДМСҚ-2014 деб аталади) стандартига мувофиқ тақдим этиш. | | | Давлат бюджети ижроси бўйича тузиладиган ҳисоботлар ДМСҚ-2014 стандартларига мувофиқ тузилиб, тақдим этиб келинмоқда. |
| 22 | 20. Маълумотларни алмашиш каналларини йўлга қўйиш, секторлар бўйича таснифлаш тизимини келишиш ва мувофиқлаштирилган давлат молияси статистикасини шакллантириш. | 1. Давлат молияси статистикасини шакллантириш бўйича Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Марказий банк ўртасида яқин ҳамкорликни ўрнатиш. | 2019 йил сентябрь | Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов),* Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов),* Марказий банк *(И.Норқулов)* | **Бажарилган.** **Молия вазирлиги:** Давлат молияси статистикасини шакллантириш бўйича Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Марказий банк ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилди. Шунингдек, ҳар чоракда Марказий банкдан ҳукумат ҳисоб рақамларидаги қолдиқ маблағлар тўғрисида маълумотлар олиниб, Молия вазирлиги маълумотлари билан солиштириб келинмоқда. |
| | | 2. Давлат молияси статистикасини сифатли шакллантириш, тезкор маълумотлар алмашиш каналларини йўлга қўйиш, Миллий ҳисоблар тизими ва бошқа халқаро статистика ҳисоботлари билан интеграциялаш бўйича ўзаро ҳамкорлик | 2019 йил октябрь | Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов),* Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов),* Марказий банк *(И.Норқулов)* | **Бажарилган.** **Молия вазирлиги:** Меморандум томонлар ўртасида ўрнатилган тартибда кўриб чиқилганидан сўнг, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Марказий банк раҳбарияти томонидан 2020 йил 9 март куни тасдиқланди. |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | тўғрисида Молия вазирлиги, Марказий банк ва Давлат статистика қўмитаси ўртасида меморандум тузиш. | | | |
| 23 | 21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан халқаро молиявий институтлар учун тақдим этиладиган маълумотларнинг мувофиқлигини таъминлаш. | 1. 2018 йил учун етишмаётган маълумотларни йиғиш ва Марказий банк билан ҳамкорликда бюджетнинг касса ижроси ҳамда давлат депозитларининг ўзгаришини мувофиқлаштиришни якунлаш, шунингдек, бундай мувофиқлаштириш ишларини мунтазам амалга ошириб бориш. | 2019 йил сентябрь | Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов),* Марказий банк *(И.Норқулов)* | **Бажарилган.**<br>**Молия вазирлиги:**<br>2019 йил июль-август ойларида ўтказилган Халқаро валюта жамғармасининг Монетар статистика ҳамда ДМС бўйича миссиялари доирасида 2018 йил учун Марказий банк ва тижорат банкларидаги ҳукумат ҳисоб рақамларининг қолдиқ маблағлари инвентаризациядан ўтказилди ва ушбу солиштириш ишлари амалга оширилди.<br>**Марказий банк:**<br>Молия вазирлигининг Марказий банкдаги Ягона ғазна ҳисобварағи ҳамда тижорат банкларидаги 20203, 20204, 23212, 23214, 23226, 23402, 23404, 23405, 23422-ҳисобварақлар қолдиқлари бўйича кунлик маълумотлар электрон тарзда Молия вазирлиги Ғазначилигига мунтазам равишда юборилмоқда.<br>Марказий банк томонидан Молия вазирлигига 2019 йил 19 ноябрь куни 11-16/12хдфу-сонли хат юборилди. Мазкур хат орқали Ҳукуматга тегишли ҳисоб рақамларнинг қолдиқ маблағлари |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | тўғрисидаги маълумотларни ҳар чоракда солиштириб боришга келишиб олинди. |
| | | 2. Давлат бошқаруви секторининг бюджет ижроси ва ДМС ҳисоботлари ўртасида маълумотларни дастлабки мувофиқлаштириш ишларини якунлаш. | 2019 йил сентябрь | Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов),* Марказий банк *(И.Норқулов)* | **Бажарилган.**<br>**Молия вазирлиги:**<br>2019 йил августдаги Халқаро валюта жамғармасининг техник кўмаги доирасида “Монетар сиёсатни такомиллаштириш” миссиясининг ташрифида Давлат бошқаруви секторининг бюджет ижроси ва ДМС ҳисоботлари ўртасида маълумотларни мувофиқлаштириш ишлари олиб борилди ва натижада ушбу миссиянинг ҳисоботида акс эттирилди.<br>Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ижроси тўғрисидаги ҳисоботидан бошлаб молиявий активлар ва мажбуриятларнинг ўзгариши билан боғлиқ молиявий ўтказмаларни Давлат молияси статистикасининг халқаро стандартларидан келиб чиқиб ҳисоботда |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | акс эттирилади.<br>**Марказий банк:**<br>Марказий банкнинг 2020 йил 4 январдаги 11-16/2хдфу-сонли хати билан 2019 йил якуни бўйича Ҳукуматга тегишли ҳисоб рақамлардаги қолдиқ маблағлар тўғрисидаги маълумот Молия вазирлигига тақдим этилди. |
| | | 3. Давлат бошқаруви сектори қолдиғи ва қарзининг умумий ҳажмдаги ўзгаришини йиллик келишиш. | март (ҳар йили) | Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов),* Марказий банк *(И.Норқулов)* | **Бажарилган.**<br>**Молия вазирлиги:**<br>Марказий банк билан ҳамкорликда Давлат бошқаруви сектори қолдиғи ва қарзининг умумий ҳажмдаги ўзгариши йиллик тарзда солиштириб келинмоқда. |
| 24 | 22. “ДМСҚ-2014” стандартига мувофиқ ҳисобот тақдим этилишини ва ахборотни ошкор қилишни янада такомиллаштириш. | 1. Давлат бошқаруви секторига киритиладиган бюджет ташкилотларининг ва устав фонди (капитали)да давлат улуши бўлган нобозор ишлаб чиқарувчи юридик шахсларнинг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамлари тўғрисидаги маълумотларни бюджет ҳисоботларида акс эттириш. | 2020 йил май | Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов)* | **Бажарилган.**<br>**Молия вазирлиги:**<br>Бюджетнома доирасида 2020 йил учун мўлжалланган Давлат бюджети ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамлари тўғрисидаги маълумотлар ДМСҚ-2014 стандартига мувофиқ тақдим этилди.<br>Ушбу маълумотларни 2020 йил 1-чорагидан бошлаб бюджет ҳисоботларида акс эттириш бўйича зарурий ишлар амалга оширилди. |
| | | 2. Бюджет қолдиғи тўғрисидаги | 2020 йил май | Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов)* | **Бажарилган.**<br>**Молия вазирлиги:** |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | маълумотларни соф кредитлаш/қарздорлик концепциясига мувофиқ тақдим этиш, шунингдек, умумий балансни алоҳида тақдим этиш. | | | 2020 йил учун Бюджетнома доирасида 2020 йил бўйича Давлат бюджети қолдиғи соф кредитлаш/қарздорлик концепциясига мувофиқ, шунингдек, умумий қолдиқ алоҳида тарзда тақдим этилди.<br>Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил учун Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни доирасида “умумий фискал баланс” тушунчаси киритилган бўлиб, 2020 йил учун консолидациялашган бюджетнинг жамланма параметларида ва 2020-2021 йилларга мўлжалланган бюджет мўлжалларида тақдим этилди. |
| | | 3. “ДМСҚ-2014” стандартига мувофиқ даромадлар бўйича ҳисоботларни такомиллаштириш. Солиқ бўлмаган даромадлар ва уларнинг асосий қисмларини алоҳида тақдим этиш. | 2020 йил май | Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов)* | **Бажарилган.**<br>**Молия вазирлиги:**<br>Молия вазирининг буйруғига (Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2146-10) асосан ДМСҚ-2014 стандартига мувофиқ Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.<br>Бюджетнома доирасида 2020 йил учун мўлжалланган Давлат бюджети тўғрисидаги маълумотлар ДМСҚ-2014 стандартига мувофиқ тақдим этилди. |
| | | 4. Харажатларни баҳолаш тўғрисидаги маълумотни иқтисодий | 2020 йил май | Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов)* | **Бажарилган.**<br>**Молия вазирлиги:** |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | таснифда ва маъмурий бирликлар бўйича тақдим этиш. | | | Молия вазирининг буйруғига (Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2146-10) асосан ДМСҚ-2014 стандартига мувофиқлаштириш мақсадида Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.<br>Бюджетнома доирасида 2020 йил учун мўлжалланган Давлат бюджети тўғрисидаги маълумотлар ДМСҚ-2014 стандартига мувофиқ тақдим этилди. |
| | | 5. “ДМСҚ-2014” стандартига мувофиқ бюджетни тақдим этиш ва бюджет маълумотларини ошкор қилишга босқичма-босқич ўтиш. | 2020 йил май | Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов)* | **Бажарилган.**<br>**Молия вазирлиги:**<br>Бюджетнома доирасида 2020 йил учун мўлжалланган Давлат бюджети тўғрисидаги маълумотлар ДМСҚ-2014 стандартига мувофиқ тақдим этилди.<br>Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил учун Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни доирасида “умумий фискал баланс” тушунчаси киритилган бўлиб, 2020 йил учун консолидациялашган бюджетнинг жамланма параметрларида ва 2020-2021 йилларга мўлжалланган бюджет мўлжалларида тақдим этилди. |
| 25 | 23. Ташқи сектор ва пул-кредит статистикасини такомиллаштириш юзасидан маслаҳат ва техник кўмак кўрсатилиши бўйича халқаро | Ташқи сектор ва пул-кредит статистикаси маълумотларини шакллантириш | 2019 йил мобайнида | Марказий банк *(И.Норқулов),*<br>Давлат статистика қўмитаси | **Бажарилган.**<br>**Марказий банк:**<br>2019 йилнинг 17 июль – 2 август кунлари Халқаро Валюта |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | ташкилотларни фаол жалб этиш. | методологиясини такомиллаштириш ва сифатини яхшилаш жараёнларига ХВЖнинг техник кўмак миссиясини жалб этиш масалаларини ишлаб чиқиш. | | *(Б.Бегалов),*<br>Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов)* | Жамғармасининг пул-кредит ва молиявий статистикаси бўйича техник кўмак миссияси Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрди.<br>Шунингдек, 2019 йилнинг 30 сентябрь – 11 октябрь кунлари Халқаро Валюта Жамғармасининг ташқи сектор статистикаси методологиясини такомиллаштириш миссияси (Грузия Марказий банки эксперти Вахтанг Пхакадзе) ташриф буюриши келишилган.<br>Ўзбекистон Республикаси ташқи сектор статистикасини тузиш, маълумотлар шакллантирилишини халқаро тан олинган методологияга мувофиқлигини таъминлаш ва уларнинг сифатини яхшилаш мақсадида 2019 йилнинг сентябрь-октябрь ойлари давомида ХВЖнинг техник кўмак миссияси жалб қилинди.<br>ХВЖ эксперти томонидан, техник кўмак миссияси давомида, ташқи сектор статистикасини тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича қўлланманинг олтинчи нашрига мувофиқлигини таъминлаш билан боғлиқ бир қатор маслаҳатлар ва кўрсатмалар берилди. |
| 26 | 24. ХВЖнинг “Халқаро молиявий статистика” тўпламида Ўзбекистон Республикасининг | 1. ХВЖнинг техник кўмак миссияси билан ҳамкорликда стандарт | 2019-2020 йиллар | Марказий банк *(И.Норқулов),* | **Бажарилган.**<br>**Марказий банк:**<br>2019 йилнинг 17 июль – 2 август |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | саҳифасини очиш. | ҳисобот шаклларини пул-кредит ва молиявий статистика бўйича охирги қўлланма (Monetary and Financial Statistics Manual and Compilation Guide (IMF, 2016)) талабларига мувофиқ янги стандартларга мослаштириш ишларини амалга ошириш. | мобайнида | Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов),*<br>Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов),*<br>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги *(Э.Мухитдинов)* | кунлари ХВЖнинг пул-кредит ва молиявий статистикаси бўйича техник кўмак миссияси Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрди.<br>ХВЖ мутахассислари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси бўйича пул-кредит статистикаси ХВЖнинг пул-кредит ва молиявий статистика бўйича охирги қўлланмаси (Monetary and Financial Statistics Manual and Compilation Guide (IMF, 2016)) стандартларига мослаштирилди. Шунингдек, банк тизими молиявий барқарорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари кўриб чиқилди, уларнинг кўламини кенгайтирилди ҳамда мазкур кўрсаткичларни ойлик асосда шакллантириш йўлга қўйилди. Ҳозирда пул-кредит ва молиявий статистикаси маълумотлари Марказий банк ҳамда ХВЖнинг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилмоқда.<br>Мазкур техник кўмак миссиянинг ижобий хулосаси асосида ХВЖнинг “Халқаро Молиявий Статистика” ахборот-статистик тизимида Ўзбекистон Республикасининг саҳифасини очиш юзасидан ХВЖга Марказий банкнинг сўров хати юборилди ва 2020 йилнинг 22 январь куни Ўзбекистон Республикасининг саҳифаси очилди. |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 2. Миллий ҳисоблар, давлат молияси ва меҳнат ресурслари статистикаси бўйича маълумотларни ХВЖнинг “Халқаро молиявий статистика” тўпламида нашр этиш учун ХВЖга тақдим этиш бўйича Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликдаги фаолиятни мувофиқлаштириш. | 2019-2020 йиллар мобайнида | Марказий банк *(И.Норқулов),* Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов),* Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов),* Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги *(Э.Мухитдинов)* | **Бажарилган.** **Марказий банк:** Марказий банкнинг 2020 йил 30 апрелдаги 11-09/149-сонли хати билан “Халқаро молиявий статистика” ахборот-статистик тизимида Ўзбекистон Республикаси саҳифасининг очилиши ҳамда ушбу саҳифада жойлаштириб бориш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар томонидан шакллантириб бориладиган статистик маълумотларни Халқаро валюта жамғармасига мунтазам равишда тақдим этиб борилиши тўғрисида Молия вазирлигига, Давлат статистика қўмитасига, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига маълум қилинди. |
| 27 | 25. Молиявий сектор шарҳини тузиш. | 1. Бошқа молиявий ташкилотлар бўйича стандарт ҳисобот шаклларини тузиш юзасидан ХВЖнинг техник кўмак миссиясини жалб этиш. | 2019-2020 йиллар мобайнида | Марказий банк *(И.Норқулов),* Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов),* Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов),* манфаатдор вазирликлар ва идоралар, молиявий ташкилотлар | **Бажарилган.** **Марказий банк:** 2019 йилнинг 17 июль – 2 август кунлари ХВЖнинг пул-кредит ва молиявий статистикаси бўйича техник кўмак миссияси ташрифи давомида ўтказилган учрашувларда мазкур бандда қўйилган вазифалар муҳокама қилинди ва унинг якуни бўйича тегишли ҳаракатлар режаси қабул қилинди. Бошқа молиявий ташкилотлар шарҳини тузиш ва тарқатишни йўлга қўйиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилди. Хусусан, ХВЖ |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | мутахассислари билан ҳамкорликда бошқа молиявий ташкилотлардаги молиявий ҳисоботларни юритиш амалиёти таҳлил қилиниб, улар бўйича дастлабки таснифлаш ишлари амалга оширилди. |
| | | 2. Бошқа молиявий ташкилотлар (суғурта ва лизинг компаниялари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, брокерлик фирмалари, биржалар ва бошқалар) фаолияти бўйича маълумотларни йиғиш механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. | 2019-2020 йиллар мобайнида | Марказий банк *(И.Норқулов),* Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов),* Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов),* манфаатдор вазирликлар ва идоралар, молиявий ташкилотлар | **Бажарилган.**<br>**Марказий банк:**<br>2019 йилнинг 17 июль – 2 август кунлари ХВЖнинг пул-кредит ва молиявий статистикаси бўйича техник кўмак миссияси ташрифи давомида Бошқа молиявий ташкилотлар фаолияти бўйича маълумотларни йиғиш механизмини жорий этиш мақсадида статистик ҳисобот шакллари ишлаб чиқилди ҳамда Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси томонидан бошқа молиявий ташкилотлар фаолияти бўйича статистик маълумотларни йиғиш механизмини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий асос сифатида “Бошқа молиявий ташкилотлар шарҳини шакллантириш бўйича статистик ҳисоботларни юритиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қўшма қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш учун Адлия вазирлигига тақдим этилди.<br>Адлия вазирлигининг 2020 йил 24 мартдаги 6-21/21-6/4545-сонли хатига асосан мазкур қўшма қарорни давлат |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | рўйхатидан ўтказиш рад этилди.<br>Марказий банк томонидан мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси қайта ишлаб чиқилиб, 2020 йилнинг 17 августида 11-09/287-сонли хат билан Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Адлия вазирлигига таклиф ва мулоҳазалар олиш учун юборилди. Бироқ, Адлия вазирлигининг 2020 йил 4 сентябрдаги 6-21/2-6/10444-сонли жавоб хатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997–сон Фармонига асосан 2020 йилнинг 1 июлидан 2021 йилнинг 1 январига қадар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўхтатилганлиги қайд этилди. Шу муносабат билан ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш ишларини якунлаш 2021 йилда режалаштирилган. |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 3. Молиявий сектор шарҳини тузиш учун зарур бўлган маълумотларни йиғиш ва ишлаб чиқиш бўйича Молия вазирлиги ва бошқа идоралар, шунингдек, молиявий сектор ташкилотлари билан ҳамкорликдаги фаолиятни мувофиқлаштириш. | 2019-2020 йиллар мобайнида | Марказий банк *(И.Норқулов),* Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов),* Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов),* манфаатдор вазирликлар ва идоралар, молиявий ташкилотлар | **Бажарилган.** **Марказий банк:** Марказий банк томонидан бошқа молиявий ташкилотлар ва молиявий сектор шарҳларини тузиш учун зарур бўлган маълумотларни шакллантириш бўйича Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Лизинг уюшмаси ҳамда бошқа молиявий ташкилотлар билан ҳамкорликдаги ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Марказий банк томонидан 2020 йил 12 майдаги 11-09/183 ва 11-09/185-сонли хатлари Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Лизинг уюшмасига юборилди. Мазкур хатларда суғурта ва лизинг компаниялари бўйича статистик маълумотларни чораклик даврда йиғиш бўйича амалий ёрдам сўралган. Ҳозирда Марказий банк томонидан суғурта ва лизинг компаниялари билан актив ва пассивлари ҳолати, молиявий инструментларнинг иқтисодиёт секторлари бўйича тақсимотини акс эттирувчи бирламчи статистик маълумотлар тест режимида шакллантириб борилмоқда. |
| | | 4. Бошқа молиявий ташкилотлар ва молиявий сектор шарҳларини тузиш. | 2019-2020 йиллар мобайнида | Марказий банк *(И.Норқулов),* Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов),* | **Бажарилган.** **Марказий банк:** Марказий банк томонидан бошқа молиявий ташкилотлар ва молиявий |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов),* манфаатдор вазирликлар ва идоралар, молиявий ташкилотлар | сектор шарҳларини тузиш бўйича Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Лизинг уюшмаси ҳамда бошқа молиявий ташкилотлар билан ҳамкорликдаги ишлар олиб борилмоқда. Марказий банк томонидан микрокредит, ломбард, суғурта ва лизинг компаниялари ҳамда фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондининг бирламчи статистик маълумотлари тест режимида чораклик асосда шакллантирилмоқда.<br>2020 йилнинг 23 ноябрь – 11 декабрь кунларидаги ХВЖнинг онлайн техник кўмак миссияси ташрифи давомида бошқа молиявий ташкилотлар ва молиявий сектор шарҳларини тузиш бўйича муҳокамалар бўлиб ўтди. Хусусан, ХВЖ мутахассислари билан ҳамкорликда бошқа молиявий ташкилотлар бўйича тест режимида йиғилган статистик ҳисоботлар таҳлил қилиниб, улар бўйича таснифлаш ишлари амалга оширилди. ХВЖ мутахассислари томонидан бошқа молиявий ташкилотлар ва молиявий сектор шарҳларини тузиш борасида мавжуд статистик маълумотларни янада бойитиш ва сифатини ошириш бўйича дастлабки амалий кўникма ва тавсиялар берилди. Шунингдек, бошқа молиявий |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ташкилотлар ва молиявий сектор шарҳларини тузиш борасида ХВЖ мутахассислари билан истиқболдаги режалар белгилаб олинди. |
| 28 | 4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Молия вазирлиги:<br>иқтисодий статистикани, жумладан, миллий ҳисоблар статистикасини тузиш учун ахборот ресурсларини шакллантириш масалаларида манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини;<br>халқаро ташкилотларни фаол жалб этиш орқали республикада макроиқтисодий статистикани янада такомиллаштириш масалаларида халқаро ҳамкорликни кенгайтиришни таъминласинлар. | 1. Макроиқтисодий статистикани шакллантирувчи вазирликлар ва идоралар масъул мутахассисларининг маслаҳатлашув учрашувларини мунтазам ўтказиб бориш ва иқтисодий статистикани, жумладан, миллий ҳисоблар ва нархлар статистикасини тузиш учун ахборот ресурсларини шакллантириш масалалари бўйича идоралараро ҳамкорликни чуқурлаштириш. | Доимий равишда | Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси, Статистика ишларини ташкил этиш ва методология бошқармаси, тармоқ бошқармалари | **Бажарилган.**<br>**Давлат статистика қўмитаси:**<br>“МҲТ-2008” халқаро стандартини жорий этиш мақсадида Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг кўп йиллик иш тажрибасига эга масъул мутахассисларини жалб қилган ҳолда “Миллий ҳисоблар замонавий тизимини статистика амалиётига жорий этиш масалалари бўйича идоралараро ишчи гуруҳи” шакллантирилди (Давлат статистика қўмитатсининг 2019 йил 15 февралдаги 3-сон қарори).<br>Шунингдек, мазкур ишчи гуруҳи доирасида услубий ва ахборот алмашиш масалалари юзасидан мунтазам ҳамкорлик амалга оширилмоқда.<br>Жорий йил август-октябрь ойларида Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси экспертлари билан ҳамкорликда Ўзбекистонда кузатилмайдиган иқтисодиётни статистик баҳолаш методологияси лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда мазкур лойиҳа тегишли вазирлик ва идораларнинг таклиф ва мулоҳазалари |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | асосида такомиллаштирилиб, Қўмитанинг 2020 йил 16 ноябрдаги 39-сонли қарори билан тасдиқланди.<br>Халқаро экспертлар билан ҳамкорликда норасмий ва яширин иқтисодий фаолиятни кузатишда фойдаланиш учун 12 турдаги махсус кузатув саволномалари ишлаб чиқилди ҳамда жорий йил август-сентябрь ойларида Қашқадарё вилоятининг барча туманларида жисмоний ва юридик шахсларни қамраб олган ҳолда қишлоқ хўжалиги, саноат, савдо, қурилиш, хизмат кўрсатиш ҳажмлари, уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари ва бандлик ҳолатини ўрганиш юзасидан махсус танланма кузатувлар ўтказилди.<br>Кузатилмайдиган иқтисодиётни статистик баҳолашда фойдаланиладиган қўшимча маълумотлар манбаларини шакллантириш мақсадида тегишли маъмурий маълумотларни олиш бўйича 17 та вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ишлар ташкил этилди.<br>Қашқадарё вилоятида ўтказилган танланма кузатувлар натижалари ва маъмурий маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш ишлари якунига етказилди. |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 2. Халқаро ташкилотлар экспертларини жалб этиш масалаларини ишлаб чиқиш. | Халқаро ташкилотлар билан келишган ҳолда | Ахборотларни тарқатиш, халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашув бошқармаси, тармоқ бошқармалари | **Бажарилган.**<br>**Давлат статистика қўмитаси:**<br>2019 йилнинг 14-15 октябрь кунлари МДҲ статистика қўмитаси экспертларининг Халқаро таққослаш дастурида Ўзбекистон Республикасининг иштирокини таъминлаш, шунингдек, миллий ҳисоблар тизими ва нархлар статистикаси бўйича ишчи учрашуви ўтказилди.<br>Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 19 ноябрдаги 01/1-06-12/5-332-сонли хати билан Ўзбекистоннинг ХВЖнинг к-МТУТдан МТМСга ўтиши юзасидан Ўзбекистон Республикасига техник кўмак кўрсатиш бўйича мурожаати юборилди. *(Маълумот учун: ХВЖнинг Маълумотларни тарқатишнинг махсус стандарти (МТМС) доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда “Тошкент” Республика Фонд Биржасининг асосий макроиқтисодий, молиявий, пул-кредит кўрсаткичлари эълон қилинишини назарда тутади. МТМСга ўтишда макроиқтисодий, молиявий, пул-кредит кўрсаткичларининг қамрови, даврийлиги* |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | *ва ўз вақтида эълон қилиниши бўйича ХВЖ томонидан ўрнатилган қатъий талаблари мавжуд. Юқорида йўлланган хатда ушбу талабларни бажариш ҳолати, МТМС доирасида эълон қилинадиган кўрсаткичларни инвентаризациядан ўтказиш ва келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш каби масалалрида ХВЖнинг техник кўмак миссиясини ташкил этиш сўралган).*<br>Мазкур мурожаатга жавобан ХВЖ томонидан “Ўзбекистоннинг МТМСга ўтиши бўйича йўл харитаси” ишлаб чиқилаётганлиги ва ушбу йўл харитаси ишлаб чиқилгандан сўнг (2020 йилнинг март ойига қадар якунланади), ХВЖ томонидан белгиланган тартибда келгусидаги тадбирлар келишилиши маълум қилинган жавоб хати олинди.<br>2020 йилнинг 24 августидан 7 сентябрига қадар Халқаро валюта жамғармасининг жаноб Рон ван Руден бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодий кўрсаткичларини янгилаш, иқтисодий сиёсатни ва техник кўмак масалаларини муҳокама қилиш бўйича миссияси видеоалоқа шаклида учрашувлар ўтказиш асосида ташкил қилинмоқда. Жумладан, 2020 йилнинг 3 сентябрь куни ХВЖ экспертлари билан |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Ўзбекистон Республикаси ЯИМи, Ўзбекистоннинг Маълумотларни тарқатишнинг махсус стандартига ўтиши ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарорини муҳокама қилиш кўзда тутилган.<br>2020 йил 6 октябрь куни Давлат статистика қўмитаси, Марказий банк ва Молия вазирлиги раҳбариятининг ХВЖ раҳбарияти билан видео мулоқоти ўтказилди. Унда маълумотларни тарқатишнинг махсус стандартига ўтиш тадбирлари келишиб олинди. Жумладан, 2021 йилнинг 1-чорагида диагностика миссиясини, шунингдек, зарур йўналишлар бўйича техник кўмак миссияларини ўтказишга келишиб олинди.<br>2020 йилнинг 21–22 декабрь кунлари МДҲ Статистика қўмитаси томонидан МДҲ минтақасидаги валюталарнинг харид қобилияти паритети асосида “Халқаро таққослаш дастури – 2021”га бағишланган учрашув ўтказилди. Онлайн тарзда ўтказилган мазкур учрашувда халқаро таққослаш дастури доирасида уй хўжаликлари |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | томонидан сотиб олинган истеъмол товарлари ва хизматлари рўйхатини шакллантириш масалалари муҳокама қилинди. |
| 29 | 5. Амалий чора-тадбирлар комплексида назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш юзасидан вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин. | Ижро учун қабул қилиш. | Доимий равишда | Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармаси, Қўмитанинг марказий аппарати бошқармалари | **Бажарилган.**<br>**Ижро учун қабул қилинди.** |
| 30 | 6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси Б.А. Бегалов зиммасига юклансин. | Қарор ижросининг бориши юзасидан мунтазам равишда тизимли назорат ўрнатиш ҳамда натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориш. | Ҳар чоракда (ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-санаси-гача) | Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармаси | **Бажарилмоқда.**<br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Макроиқтисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари котибиятига Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 2 октябрдаги 01/1-01-17-222-сонли, 5 ноябрдаги 01/1-01-17-247-сонли, 5 декабрдаги 01/1-01-17-260-сонли, 2020 йил 4 январдаги 01/1-01-17-9-сонли, 5 февралдаги 01/1-01-17-28-сонли, 6 мартдаги 01/1-01-17-28-сонли, 6 апрелдаги 01/1-01-17-64-сонли, 4 майдаги 01/1-01-17-70-сонли, 15 июндаги 01/1-01-17-93-сонли, |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 5 июлдаги 01/1-01-17-107-сонли, 5 агустдаги 01/1-01-17-119-сонли, 4 сентябрдаги 01/1-01-17-134-сонли, 6 октябрдаги 01/1-01-17-156-сонли, 5 ноябрдаги 01/1-01-17-171-сонли, 10 декабрдаги 01/1-01-17-187-сонли, 2021 йил 12 январдаги 01/1-01-17-12-сонли, 5 февралдаги 01/1-01-17-26-сонли, 5 мартдаги 01/1-01-17-39-сонли, 5 апрелдаги 01/1-01-17-54-сонли, 5 майдаги 01/1-01-17-73-сонли, 3 июндаги 01/1-01-17-87-сонли, 5 июлдаги 01/1-01-17-106-сонли, 4 августдаги 01/1-01-17-125-сонли, 6 сентябрдаги 01/1-01-17-140-сонли, 7 октябрдаги 01/1-01-17-157-сонли, 2 ноябрдаги 01/1-01-17-171-сонли, 3 декабрдаги 01/1-01-17-190-сонли, 2022 йил 10 январдаги 01/1-01-17-12-сонли, 2 февралдаги 01/1-01-17-21-сонли, 1 мартдаги 01/1-01-17-39-сонли, 4 апрелдаги 01/3-01-17-59-сонли, 5 майдаги 01/3-01-17-78-сонли, 1 июндаги 01/3-01-17-91-сонли, 5 июлдаги 01/3-01-17-115-сонли, 1 августдаги 01/3-01-17-130-сонли, 5 сентябрдаги 01/3-01-17-148-сонли, 4 октябрдаги 01/3-01-17-165-сонли, 2 ноябрдаги 01/3-01-17-185-сонли, 1 декабрдаги 01/3-01-17-203-сонли, 2023 йил 4 январдаги 01/1-01-17-6-сонли, 3 февралдаги 01/1-01-17-22-сонли |

| Т/р | Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Амалий чора-тадбирлар комплекси бандларида белгиланган вазифалар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Ижро учун масъуллар | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ва 1 мартдаги 01/1-01-17-38-сонли хатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилди. |